



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 26-may. Payshanba 63 (31.339) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Бугунги кунда халқимизнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати ўзгармоқда, сиёсий етуқлиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда.

Жорий йилда Давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Шундан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун 48 фоиз ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади.



ЎзХДП фаоллари ташаббуси

Ёш авлод вакиллари билан учрашув

ЎзХДП Марказий кенгаши ва шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар, Олмазор туман, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси партия кенгаши фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳиятини ёшларга чуқур тушунтириш, белгиланган вазифалар ижросида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мустақиллик йилларида ёшларга берилётган эътибор ҳақида сўз юритилди.

Абдуғаффор КИРГИЗБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мустақиллигимизнинг тарихий йўлига назар ташласак, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун кенг кўламли, улугвор ишлар амалга оширилганини кўраемиз. Қатор махсус мусика, тасвирий санъат, спорт масканлари бунёд этилди. Халқаро миқёсда ёшлар фестиваллари, нуфузли кўрик-танловлар, кўргазмалар, илмий конференциялар ўтказиш аънавий тус олди.

Президентимизнинг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада кучайтиришда муҳим омил бўлади.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Мамлакат қудрати ёшлар маънавий камолоти билан улланади. Қачонки ёшлар жисмонан ва маънан соғлом, интилувчан ва

фаол бўлса, жамият янада ривожланади.

Президентимиз тасвия этган Концепцияда илгари сурилган фикрлар ана шу йўлга қўйилган қадамларимизни белгилаб берди. Уни амалга оширишда сизлардан ҳам катта масъулият талаб этилади. Зеро, Юртбошимиз истиқболимиз тимсоллари дея, катта ишонч билдирган сиз ёшларга барча умидларимиз боғланганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Тунис ХОЖИЕВ, ЎзМУ Фалсафа факультети 4-курс талабаси:

— Бугун ҳар бир йигит-қиз сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган ҳолда, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшишга интиломда. Ёшлар ҳузурида, улар иштирокида ўтказилаётган бу каби тадбирлар бизни янада фаолликка чорлайди. Чунки депутатлар, мутахассислар, партия фаоллари ишонч ва эътироф ёшларга мустаҳкам қанот бағишлайди.

Давра суҳбатида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуманноб Раҳимов, Зиёвуддин Мансуров, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида кўлга киритилган ютуқлар моҳияти, баркамол авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган кенг камровли ишлар, мамлакат тараққиётида таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳақида тўхталишди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Фракция фаолияти



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

ЎзХДП депутатларининг позицияси белгилаб олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар парламент қуйи палатаси муҳокама-сига киритилаётган қатор масалаларни муҳокама этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98- моддаларига)ги Қонундан келиб чиқадиган талабларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ҳақида парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улугбек Вафоев сўз юритди. Дастурда ижро ҳокимия-

ти фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу йўналишда жорий йил давомида Қонунчилик палатасида турли ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ижро ҳокимияти вакиллари етти марта зшитиш режалаштирилган. Иккита парламент эшитиш айнан ЎзХДП фракцияси ташаббуси асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, депутатларнинг ўз сайлов округла-

рида олиб борадиган ишлари борасида ҳам қатор вазифалар белгиланган. Депутатлар фаолияти очқилгини таъминлаш, депутатларнинг профессионал тажрибасини ошириш тадбирлари ўрин олган. Мажлисида ушбу дастурни қабул қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

⇒ 2

Эътироф

Самарқанд оҳанрабои минглаб сайёҳларни ўзига чорлайди. Мен ҳам гўёки кўҳна Шарқнинг сەҳри эртаклар оламига тушиб қолгандекман. Бир-биридан гўзал тарихий обидаларни кўриб ҳайратдан лол қолади киши. Самарқанд нафақат қадимий ёдгорликлари, балки замонавий иншоотлари билан ҳам менга манзур бўлди. Самарқандда мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Барча жойда мамлакатнинг мустақиллигининг 20 йиллик байрамига қизин ҳозирлик кўрилаётган экан. Одамлар юз-кўзидаги қувонч эса уларнинг ҳайдан мамнунликлари, эртанги кунга ишончлари мустаҳкамлигини кўрсатиб турибди.

Бессет СЕЛИНЕ хоним, (Франция)

Янгиликлар

Мамлакатимизда мехмон бўлган БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Желен Кларк 24 май куни Сергели тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона ойна маркази» фаолияти билан танишди.

Ўзбекистонда бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига оид 30 дан ортиқ лойиҳаси амалга оширилмоқда, яна 8 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. «Ягона ойна маркази» ана шундай лойиҳалардан биридир.

Желен Кларк марказда яратилган шарт-шароит ва қулайликларни, шунингдек, БМТ ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимида қўллаш борасидаги ҳамкорлик самараларини юксак баҳолади.

БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Желен Кларк раҳбарлигидаги делегация, шунингдек, Самарқанд тумани Гулобод кўрғонида жойлашган имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган махсус касб-ҳунар коллежиди таълим жараёнлари, ўқувчилар учун яратилган шароитлар, Зангиота тумани Чувалачи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидидаги қишлоқ врачлик пунктида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан амалга оширилган муқобил энергия манбаларида фойдаланишга оид қўшма лойиҳа ижроси билан ҳам танишди.

«Илнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қарийб йигирма ўқув фанидан «Илнинг энг яхши фан ўқитувчиси» номинацияси бўйича голиб педагог ва мураббийлар аниқланди.

Нукус шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулжаҳон Холмуратова жисмоний тарбия ўқув фани бўйича «Илнинг энг яхши ўқитувчиси» деб топилди.

Пойтахтимизда шарқ яққолашлари ва жан санъати усталарининг махсус техника бўйича IV халқаро турнири бўлиб ўтди.

Турнирнинг махсус предметни қўл ва оёқ зарбаларида синдириш баҳсида аънавий қаратэ устаси Азиз Ражабов голиб бўлди. Махсус предметни сакраган ҳолда зарба билан синдиришда халқидо устаси Дмитрий Ким ва ўзбек жанг санъати вакиласи Ситора Нишоновга тенг келадигани топилмади.



Фахрииддин РАЖАБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Қонунлар мукамал бўлса, ижроси изчил таъминланса

бундан халқимиз, давлат ва жамият фақат манфаат кўради

⇒ 2

Ҳимоя ўрнига баҳона

⇒ 2

«Сўнгги қўнғироқ — 2011»

25 май куни мамлакатимизнинг барча мактабларида сўнгги қўнғироқ жаранглади.

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2010-2011 ўқув йилида республикамиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфини 591 минг нафар ўқувчи тамомлади.

Яққасарой туманидаги 91-сонли ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби 1-синф ўқувчиси Фарангиз Қобулжонова, 9-синф битирувчилари Умиджон Собиров ва Юсуфали Хўжаев.



Сарвар УРМОНОВ (У.Са) олган сурат.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Хизматлар лицензияланган

Қонунлар мукамал бўлса, ижроси изчил таъминланса

бундан халқимиз, давлат ва жамият фақат манфаат кўради

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хар қандай ривожланаётган ҳуқуқий демократик давлатда қонунчилик ислоҳоти икки йўналишда, яъни қонунлар қабул қилиш ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан амалга оширилади. Бугун мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шаклланиши, палаталар ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб тақсимлангани, депутатлар мақомининг қайта кўриб чиқилгани, сиёсий партиялар фракциялари ваколатларининг кенгайтирилиши ва бошқа омиллар ҳуқуқий ислохотларни янги босқичга олиб чиқиб, қонунларни ҳаётга самарали татбиқ этиш, қонун устуворлигига эришишда парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириши талаб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 28 январдаги қўшма йўналишида «**Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдига турган иккинчи гоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этилуви ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатилган иборатдир**», дея таъкидлаган эди.

Парламент назорати — Олий Мажлис палаталари томонидан қонунлар ижроси ва унга амал қилиш устидан амалга оширилаётган фаолиятдир. Шунингдек, қонунчиликни мустақамлаш борасида олиб бориладиган ишлар ҳам парламент назорати қиради. Бу, қонун ҳужжатлари таъсирчанлигини ошириш ва айни чоғда жамиятда мавжуд ёки вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб, уларнинг ҳуқуқий ечимларини топишда кўринадди.

Давлатимиз раҳбари «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» номли маърузасида «...депутатларимиз ўз сайловчилари ва эл-ўрт олдидаги бурчини муносиб равишда бажариши учун, аввало, ўзларининг халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча ислохот ва янгиланиш жараёнларини ўз назоратига олиб, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қонун чегарасидан чиқмаслигини қаттиқ кузатиб турса, ўйламанки, сайловчиларнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб берадиган иш бўлади», деб алоҳида таъкидлаган эди. Бу вазифани амалга оширишда фуқаролик жамиятининг фаол иштирокчиси бўлиши сиёсий партиялар, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари учун қонуний механизмлар яратилиб, ваколатлар кенгайтирилмоқда.

ЎзХДП Дастурида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бош вазифа сифатида белгиланган. Аҳолининг меҳнатга лаёқатли, аммо доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган қатлами, ишга жойлашишда қийинчиликларга учраётган ёшлар, шу билан бирга, асосий даромадлари меҳнатдан олинмаган, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича иш берувчи олдига ишончли ҳимояга муҳтож одамларнинг манфаатлари учун курашишда парламент назорати институтининг қўлланилиши ҳақиқатан ҳам юксак самара беришини тажриба кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси юқоридаги вазифаларни амалга оширишда, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа ижтимоий йўналтирилган қонунлар, икки йилдан буюн Парламент қабул қилаётган янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жойлардаги ижросини парламент назорати институтининг турли шаклларида қўллаш ҳолда ўрганиб, ушбу ҳужжатлар ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан ўз тақлифларини билдириб келмоқда.

Шунингдек, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли банд-

лигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қиладиган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ёки банкрот корхоналарнинг иқтисодий имкониятларини қайта тиклаш каби дастурларнинг ўз вақтида, самарали ижро этилиши учун ижобий таъсир этиб келмоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқадиган устувор вазифаларни бажариш парламент назорати институтининг турли шаклларида янада самарали фойдаланиши талоқ этди.

Албатта, парламент назорати институтини такомиллаштириш ва унинг янги шакллари ҳуқуқий асосини яратишда бир қатор муҳим масалаларни инобатга олиш лозим. У ҳам бўлса парламент назоратининг объектив ва субъектив сабабларини, принципларини, шакллари, мақсад ва вазифаларини ҳамда назорат ахбороти бўйича қабул қилинадиган ҳужжатларнинг юридик табиатини белгилашдан иборатдир.

Парламент назорати парламент фаолиятининг муҳим узвий йўналиши ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва мунтазам, мақсадли амалга ошириш

қонунларни ҳаётга тўла-тўқис жорий этиш, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий дастурларнинг вақтида, самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қиладди. Қолаверса, ўз ечимини қўлайлиги билан ва муаммоларни ўрганиш, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш борасида эҳтиёжга аниқлаш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти қонун доирасидан чиқмаслигини кузатиб бориш, қонунчиликни янада такомиллаштириш имконини беради.

Бунинг натижасида парламентнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимидаги роли ва ўрни янада қучаяди, қонун чикарувчи ҳокимиятнинг ваколатлари ва назорат қилиш соҳасидаги вазифалари кенгайди, қонун ижодкорлигининг сифатига нисбатан талаб ошадди. Бу, ҳуқуқий давлатнинг жуда муҳим шарт сифатида ҳокимиятни тақсимлаш конституциявий тамойилни изчил амалга ошириш, ўзаро тўғри туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, парламент палаталарининг янги демократик шароитда ижро ҳокимияти билан ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, ЎзХДП дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг самарали механизми вужудга келишига хизмат қиладди.

ЎзХДП депутатларининг позицияси белгилаб олинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Алишер Содиковнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳаси темир йўл транспорти объектиларига хавфсизлигини таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, кишилар ҳаёти ва соғлиғига, жамият хавфсизлигига ва барқарорлигига хавф соладиган фавқулодда вазиятларга йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳада «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 12, 20 ва 26-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинмоқда.

Фракция «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этди.

Қонун лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад амалдаги бир қатор қонунларни «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб қилиниши тўғрисида», «Архив иши тўғри-



Фракция «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама этди.

сида» ҳамда «Музейлар тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган қоидалар нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Аниқланишича, ҳозирда бир қатор кодекс ва қонунлардаги айрим меъёрлар юқоридаги қонунлар меъёрларига зид ёки мос келмайди. Бунинг асосий сабаби, ўзгариштирилиши мўлжалланаётган қонун ҳужжатларининг нисбатан анча илгари амалга киритилганидир.

Мисол учун, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга кўра, маданий мерос объектлари моддий ва номоддий маданий мерос объектларидан иборат. Ўз ўрнида моддий маданий мерос ансамбллар, диққатга сазовор жойлар, ёдгорликларни қамраб олади. «Ёдгорликлар» тушунчаси тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган

ларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этди.

Кун тартибидagi барча масалалар юзасидан фракция ўз нуктаи назарини ишлаб чиқди.

Асли КАМОЛ

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Масъулиятни кучайтириш керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмаларининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқадиган вазифаларни ижросига бағишлаб Сурхондарё вилоятида партия фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Унда партия Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси, Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликларини мутахассислари, вилоят партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Фраёев сўзга чиқиб, Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш борасидаги ишлар тўғрисида сўз юритди.

Концепция юзларига асосида белгиланган вазифаларни бажаришда партияимиз депутатлик гуруҳлари иштироки-

ни кучайтириш, бу борада янада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидландики, янги қонунлар лойиҳалари ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши учун маҳаллий партия ташкилотлари жойларда мазкур қонунларда акс этадиган меъёрларга оид муносабатларни таҳлил этиши, унинг натижаларини фракция аъзоларига маълум қилиб, Концепцияни ҳаётга изчил татбиқ этишда ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Шунингдек, фаоллар вилоят партия ташкилотининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ҳамда навбатдаги вазифаларни муҳокама қилишди. Дастурда белгиланган Термиз, Шўрчи, Қумқўрғон туманларида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши, шу орқали истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириб долзарб аҳамиятга эга. Узун, Қизилқум, Оқимтинсой туманларида касб-хўнара коллежлари битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этиш, Жарқўрғон ва Музработ туманларида эса минн технологлар асосида кичик кор-

хоналар ҳамда хўнарамандчиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида партия ташкилотлари таъсирини кучайтириш, хусусан, жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Бу борада, айниқса, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш талаб этилмоқда.

Йиғилишда кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Айрим жойларда тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни ЎзЛиДеП табиий ҳол, деб баҳоламоқда.

Ҳимоя ўрнига баҳона

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Қонун фуқаролик жамиятини ривожлантириш, хусусан, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришда сиёсий партияларга кенг имконият яратди. Бу эса Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, ижроия ҳокимият устидан парламент ҳамда жамоатчилик назорати институтини ҳаётга самарали татбиқ этишга хизмат қиладди.

Бугунги кунда янги иш ўринлари ташкил этиш, уларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш бандлик муаммосини хал этишда муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик ва ишибилармонликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга ўзини масъул деб билган ЎзЛиДеП бу масалани қанчалик назорат этмоқда, ушбу жараёнда юзага келаётган муаммоларни хал этиш борасида қандай амалий ишларни қилмоқда?

Қувасойда йирик саноат корхоналари кўп, мингдан ортиқ богдорчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари бор. Бир қарашда, бу ерда янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ муаммо йўқдек туюлади. Лекин ЎзХДП депутатлик гуруҳи масалани ўрганишда «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг тўрт ойлик ижроси тўлиқ бажарилмай қолгани маълум бўлди. Депутат Абдусамат Ҳайдаров ташаббуси билан масала аввал халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашининг доимий комиссиясида муҳокама этилди. Йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилиб, масалани сессия кун тартибига киритишга қарор қилинди.

ЎзХДП депутатлик гуруҳи сессияда мазкур масала муҳокамаи чоғида аниқ, манзилли тақлифларни ўртага ташлади. Жумладан, шаҳарда ташкил этилаётган 60 та уй-жой мулкдорлари ширкатига касб-хўнара коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жалб этиш, йирик саноат корхоналарида коллеж битирувчилари ўзаро шартнома асосида амалиёт ўташи ва кейинчалик шу ерда ишлагани таъминлаш ва бошқа масалалар шулар жумласидандир.

Сессия барча тақлифларни қўллаб-қувватлаб, тегишли қарор қабул қилди. Афсуски, шундай долзарб масала муҳокамаида халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи бунга ҳатто муносабат ҳам билдирмади. Гўё бу муҳим давлат дастурининг ижроси уларга дахлдор эмасдек.

Риштон туманидаги «Умид» жамоа корхонасида (раҳбар Олимжон Ҳамроалиев) 2010 йилда касаначи сифатида 50 та янги иш ўрни яратилди, деб ҳисобот берилган. ЎзХДП депутатлик гуруҳи масалани жойида ўрганишда 43 нафар касаначи иш берувчи шартнома шартларини бажармагани учун амалда фаолият кўрсатмагани аниқланди. Бу масала ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқилди. Сессия қарорига асосан тегишли чоралар кўрилиб, иш ўринлари тикланди. Ҳолбуки, бу билан «тадбиркорлар бизнинг электротимиз», деб қўқисига урадиган ЎзЛиДеП биринчи бўлиб шугўлланиши лозим эмасми?

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури чоракда вилоятда тўлиқ бажарилган бўлса-да, Фарғона, Бешарик, Учкўприк туманларида қўзланган натижага эришилмади. Мазкур туманларда ҳам либерал партия неғадир сукут сақлашмоқда.

Бугун ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига нафақат ўзимизнинг партияимиз электорати, балки либерал партия электорати ҳам мурожаат қилиши ҳолатлари сезиларли равишда кўпаймоқда. Данғара туманидаги Тангриқўл қишлоғида Н.Ақбарова, Олтиқўш қишлоғида Санобар Эргашева, Фурқат туманидаги Қурилтой қишлоғида Зилола Сотволдиева, Томоша қишлоғида Аскаралӣ Давронов каби ўнлаб фермерлар чорвачилик ҳамда паррандачилик-

ни ривожлантириш учун кредит олиш масаласида ЎзЛиДеП туман кенгашига, ҳатто туман ҳокимлигига ҳам мурожаат қилмай, тўғри партияимиз Жамоатчилик қабулхонасига келишган. Ахир, фермерлар ЎзЛиДеП электорати-ку! Қолаверса, айрим туманлар ҳокимлари ҳам айнан шу партия аъзоси, ЎзЛиДеПдан депутат бўлиб сайланган. Нега энди фермерлар ўзлари ишонч билдирган партия депутати ёки ҳокимга эмас, ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига қилишди?

— Албатта, бу бизнинг фаолиятимизда барча жараёнлар бир маромда, камчиликлардан холи демократик эмасмиз. Партия ташкилотларимиз, депутатлик бирлашмаларимизнинг ҳали-ҳали қўли етмаган ишлари, фойдаланилмаган имкониятлари оз эмас. Шу билан бирга тан олиш кераки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жамоатчилик қабулхоналари бугун электорат муаммоларини ўрганиш ва уларни хал этишда муҳим воситага айланди. Бизга ишонч билдириб, аҳолининг турли қатламлари вакиллари мурожаат қилмоқда. Фермерлик ҳаракати ва тадбиркорлик ривожини, аввало, янги иш ўрни, демократик, кафолатли ижтимоий ҳимоя, деганидир. Шу боис, ЎзЛиДеП дастурий мақсадлари ва электорати манфаатларига боғлиқ муаммоларни чуқурроқ ўрганиб, хал этиш чораларини кўрса, мақсадга мувофиқ бўлади, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов.

Яна бир масала. Ваколатли идоралар маълумотларига кўра, Данғара туманида 2010 йилда 274 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган, аммо шу муддатда 50 нафар тадбиркор ўз фаолиятини бутунлай тўхтатди. Фурқат туманида эса янгидан ташкил этилган 74 та тадбиркорлик субъектининг 25 таси шу йиллик фаолият кўрсатмай қўйди.

Бугунги кунга келиб, Данғара туманида 30 та, Қўқон шаҳрида эса 101 та корхона фаолият кўрсатмаётганини қандай баҳолаш мумкин? Бундай салбий ҳолат Тошлоқ, Қўштепа, Олтиарқ туманларида ҳам рўй бермоқда. Ҳолбуки, бу шаҳар ва туманлар ҳокимлари ЎзЛиДеП аъзолари, шу партиядан сайланган депутатлардир. Бунинг устига улар халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгаши раиси, ижро ҳокимияти раҳбари ҳамдир. Шундай экан, ушбу туманлардаги бандлик муаммоларини хал этишда ҳокимлар зиммасига қатта масъулият юқланган.

Бундай муаммолар бўйича бизнинг эътирозимизга ЎзЛиДеП билдирётган муносабат кишини ҳайратга солади. Уларнинг фикрича, «бу бозор иқтисодиётига хос табиий ҳол» эмас. Тўғри, айрим тадбиркорлар ишни эплай олмаслиги, йўлга қўймаслиги ёки қонуни бузганлиги ва бошқа сабаблар билан ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Тадбиркор ва ишибилармонлар манфаатини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган ЎзЛиДеПнинг бу муаммоларга алоқаси йўқми? Бунинг устига, айрим жойларда битта-иккита эмас, ўнлаб иш ўринлари йўқотилаётган бўлса?! Еки либераллар фақат электорат амалга ошираётган ишларни санаб, бу ишлар партия томонидан амалга оширилди, дея ўзини кўрсатишга ўрганиб қоляптими? Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, кейинчалик улар ривожланиб кетиши учун ёрдам бериш ЎзЛиДеПнинг асосий вазифаларидан эмасми?

Табиийки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси либераллар эътиборидан четда қолаётган шаҳар ва туманлардаги ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишида жамоатчилик назоратини ўрнатилиши, шунингдек, депутатлик назорати қилишда самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, бандлик муаммоси хал этилиши, бунинг натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар доимий даромад манбаига эга бўлиб, оиласи фаровонлиги таъминланишидан ЎзХДП манфаатдордир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги тарихимиз саҳифалари

Ўзбекистон йўллари



(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Миллий автомагистраллар

Мустақиллик йилларида муҳим транспорт йўналишларини комплекс реконструкция қилиш ва таъмирлашга доир кенг қўламли ишлар олиб борилди. Тошкент — Андижон — Ўш, Тошкент — Самарқанд — Бухоро автомобиль йўллари тўлиқ биринчи тоифага ўтказилди.

Шу ўринда юртимизни қўшни мамлакатлар ва Европа давлатлари билан боғлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган Кўнғирот — Бейнов йўлига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бундан етти-саккиз йил муқаддам қиш фаслида бу йўналиш умуман ишламасди. 2003 йили 234 километри ташкил этган бу трассага асос солиниб, асфальт ётқиштирилди.

Хозирги пайтда узунлиги 67 км. ташкил этган Тошкент катта халқа автомобиль йўлининг яхлит ишлашини таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Сирғали, Кўйлик ва Отчопар борзорларига борадиган кўчалар кесилишига йирик чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказиш ҳамда Эркин кўрғони худудидан ўтадиган 6 км. янги трасса қурилди.

«Ўзавтойўл» ДАК бугунги кунда юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, унинг янада ободлигига хизмат қилувчи кўплаб лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг дастурлари асосида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Марғилон, Термиз ва бошқа шаҳарларда 250 километр янги кўчалар қурилди, 450 километрга таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Мамлакатимиз аэропортларидаги кўниш-учиш майдонларининг халқаро талабларга мос бўлишида, таълим масканлари, муқаддас қадимж, зиёратгоҳ, маҳаллаларнинг ободлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келинапти.

Давлатимиз раҳбари томонидан бундан роппа-роса икки йил муқаддам янги гоя илгари сурилди. Бу — Ўзбек миллий магистрални барпо этишдан иборат бўлиб, унинг таркибига 2755 километр масофадаги йўллар киритилди.

Президентимизнинг «2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосан 238 км. автомобиль йўли иккиталиқдан тўрт тасмалиққа ўтказилиши, «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилиш инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган мақсадли дастурга мувофиқ эса, умуман 2306 километрик йўлда қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг бажарилиши белгилаб берилди.

Этироф этиш керакки, бу вазифа босқичма-босқич амалга ошириб борилапти. Бундан бир ярим йил муқаддам Гулистон шаҳри айрилиб ўтказувчи 24 км. янги йўл қурилди.

пайтда Фарғона водийсига юртимизнинг жанубий, ғарбий ва шимолий худудларидан Тошкент шаҳри орқали ўтаётган йўналишининг узунлиги 61 км.га қисқаради. Бу ҳар кун амалдаги йўлдан қатнаётган транспорт воситалари вақтини қарийб бир соатга камайтиргани ҳолда бир кеча-кундузда ўртача 40 тонна ёнилгини, йўл катновида иштирок этувчиларнинг 30 минг соат вақтининг тежаллишига, экологик ҳолатининг яхшиланишига, йўл-транспорт ҳодисалари, амортизация ва бошқа харажатларнинг анча камайишига олиб келади.

Ана шу жиҳатлар ҳисобидан халқ хўжалигига кунига 100 миллион сўмлаб фойда келтириб, сарф-харажатларнинг 5-7 йилда қопланиши таъминланади.

Бу — Ўзбек миллий автомагистрал таркибига кирувчи биргина йўналишининг мамлакат иқтисодиёти ривожига, халқимиз фаровонлигига қўшадиган ҳиссасининг, бир жиҳати ҳолос.

Амалга оширилаётган лойиҳалар янада кўламдор. Ўзбек миллий автомагистрал таркибига Бейнов — Кўнғирот — Бухоро — Навоий — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналиши бўйича 1000 километрдан зиёд йўлни қуриш ва таъмирлаш, унинг 400 километрини цемент-бетон қопламга ўтказиш, бир қатор йўл ўтказгичлар барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Бухоро — Қарши — Ғузор — Термиз йўналиши бўйича 190 километрик, Самарқанд — Ғузор йўналиши бўйича 73 км. трассада ҳам ана шундай бунёдкорлик тадбирлари бажарилади. Миллий магистралларимизнинг қопламалари ва геометрик ўлчамлари транспорт ўқиға тушадиган хозирги пайтдаги 10 тонналик оғирлик мейёрий бirlиги яна уч тоннага оширилади.

магистрalli бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра 240 та жойда кемпинг, мотель тобора, ёнилги қуйиш шохобчалари, тиббий тез ёрдам хизмати пунктлари ва бошқа иншоотлар қурилиши кўзда тутилган.

Табиийки, уларни қуриш, хизмат фаолиятини йўлга қўйишда халқаро талаблар асосий мезон вазифасини ўтайди, миллий мейморчилик аъёналари ва тиббий кулайликлардан самарали фойдаланилади. Бу йўналишдаги ишлар ҳам тобора жадаллик касб этиб борапти.

Истиқболга элтувчи йўллар

Хозирги пайтда миллий автомагистрал ҳақида гап кетганда, «Истиқболга элтувчи йўллар», «Қитъаларни боғловчи трасса» каби ибораларнинг қўлланилиши оддий ҳолга айланган. Шу боис, унинг ҳудуди орқали Осиё ва Европанинг турли томонлари билан боғловчи 20 дан ортиқ транспорт транзит йўналишлари ўтган.

Ўзбекистон автомобиль йўллари соҳасидаги 30 дан ортиқ халқаро конвенция, битим, ва шартномаларнинг иштирокчиси, шунингдек, ЭСКАТО, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Халқаро йўл федерацияси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, ТРАСЕКА, Трансафғон халқаро йўлағини ривожлантириш бўйича давлатлараро мувофиқлаштириш кенгаши каби нуфузли ташкилотлар ҳамда минтақавий интеграциялаш тузилмалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг йўл қурилиш соҳасининг барча жабҳаларидаги бугунги ишлари ва яқин истиқболдаги мақсадли лойиҳаларни кўламини яна бир қарра қўрайтиб турибдики, мамлакатимизнинг келажак салоҳияти, ҳар томонлама тараққиёти учун улкан сармоя қўйилапти.

Ўзбекистон йўллари... Истиқлол йилларида бунёд этилган, қурилган, обод этилган юксалган йўллар. Президентимиз этибори билан жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган даражада барпо этилган йўллар, одамларнинг узогини яқин қилган, янги-янги марраларга бошлаган йўллар...

Шундан бўлса керак шарофатли йўлларни, маҳобатли кўприкларни бунёд этганлар меҳнати ҳамisha иззат-икромга сазовордир. Айни кезде йўл созувчиларнинг мамлакат тараққиётининг мунаввар манзилларига туташ кундалик заҳматлари ҳали кўпга дostonу қўшулган, китоб-у рисолаларга мавзу бўлажак, фильмлару суратларга муҳрланажак. Зеро, йўл қурган ва кўприк солганлар ҳамisha элимизда азиз бўлиб келган ва доимо шундай бўлиб қолаверади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, Ўзбекистонда хизмат қўратган журналист.

Баркамол авлод орзуси



Билимли, касб-ҳунарли ёшлар — мамлакат келажаги

Бу борада Қашқадарё вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Узлуксиз таълимнинг асосий бўғини ҳисобланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида амалга оширилаётган ишлар кўламини йилдан-йилга ортиб, чекка қишлоқларимизни ҳам қамраб олмақда.

— Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз?

— Мазкур қарорда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кераклиги алоҳида таъкидланган. Унда аниқ чора-тадбирлар тузилиб, таълим тизими, ҳоқимият, вазирлик ва идоралар маъсулияти белгилаб берилган.

— Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича вилоятда қандай зарурий чоралар қўрилмоқда?

— 2009-2010 ўқув йилида таълим муассасаларимизни 32615 нафар ўқувчи, жумладан, 1704 нафари академик лицейларни, 30911 нафари касб-ҳунар таълими муассасалари билан таъминланди. Шу билан бирга, бу йил ўрта ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришда уч томонлама шартнома тарзида таъминланди.

Ушбу шартномаларга мувофиқ битирувчилар корхона ва ташкилотларда дипломолди амалиётини ўташлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Амалиёт жараёнида битирувчи шу касбнинг сир-асрорларини ўрганади ва шу ташкилотда ишлаб қолишга ҳаракат қилади.

Банк ва молия муассасаларидан миннатдорлик хатлари келмоқда. Бу эса ўз навбатида коллежларимизда малакали, яхши мутахассислар тайёрланаётганидан далолатдир. Яна

бир эътиборли жиҳат — ўтган ўқув йилидаги лицей битирувчиларимизнинг 1664 нафари олий таълим даргоҳларида ўқишмоқда.

— Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз?

— Мазкур қарорда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кераклиги алоҳида таъкидланган. Унда аниқ чора-тадбирлар тузилиб, таълим тизими, ҳоқимият, вазирлик ва идоралар маъсулияти белгилаб берилган. Бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифа — ҳар бир битирувчининг ўз бизнес лойиҳасига эга бўлишига эришишидир.

— Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича вилоятда қандай зарурий чоралар қўрилмоқда?

— 2009-2010 ўқув йилида таълим муассасаларимизни 32615 нафар ўқувчи, жумладан, 1704 нафари академик лицейларни, 30911 нафари касб-ҳунар таълими муассасалари билан таъминланди.

Ушбу шартномаларга мувофиқ битирувчилар корхона ва ташкилотларда дипломолди амалиётини ўташлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Амалиёт жараёнида битирувчи шу касбнинг сир-асрорларини ўрганади ва шу ташкилотда ишлаб қолишга ҳаракат қилади.

Банк ва молия муассасаларидан миннатдорлик хатлари келмоқда. Бу эса ўз навбатида коллежларимизда малакали, яхши мутахассислар тайёрланаётганидан далолатдир. Яна

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, суҳбатлашди.

Солиқ тизими: Янги тажриба

Бухгалтерга электрон мадад

Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «EL KABEL EXPRESS» шўъба корхонаси ҳисобчиси Рустамжон Кўчқаров корхонанинг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тарзда юритиб, солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда топширишни йўлга қўйди.

килотнинг молия-ҳўжалик фаолиятидаги кундалик ҳисоб-китобларнинг кири-тиб борилиши натижасида солиқ идораларига топширилиши лозим бўлган ойлик ёки чорак ҳисоботлар автоматик тарзда тайёрланади.

У 2010 йил Тошкентда ўтказилган «BEST SOFT UZBEKISTAN — 2010» миллий дастурий маҳсулотлар кўргазмасида БЭМ ғолибларидан бири бўлди.

Таъкидлаш керакки, БЭМ миллий дастурини яратишда бухгалтериянинг, ҳар бир корхонанинг фаолият туридан келиб чиқадиган талаблар жиддий ҳисобга олинган.

Умаралиев. — Дастурда шакллантирилган ҳисоботлар компьютернинг ўзидан туман Давлат солиқ инспекциясига электрон шаклда жўнатилади.

Дастур орқали ҳисоботларни электрон шаклда топширишда қузатилаётган ижобий самаралар унинг кўламини кенгайтириш мўҳим эканини кўрсатмоқда. Шу боис, вилоятда БЭМ дастурининг оммавийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шохрўхбек ЭГМНАЗАРОВ, Андижон вилоят ДСБ Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

тармоқ ускуналари етказиб бериш учун танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга танлов ҳужжатлари ушбу эълон чиққан санадан кейин 14 календарь кун мобайнида берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш бу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилиши ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 32 календарь кун ўтгач, соат 17:00да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек тижорат таклифларини юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101. «Ўзмилийбанк» Бош маъмурий биноси. Телефон: 234-42-86, Интернет-сайт: www.nbu.com

Алоқада бўлувчи шахс: Блохина Ольга

Маълумки, солиқ тизимида Бухгалтерга электрон мадад (БЭМ) дастурининг жорий этилиши солиқ тўловчиларга бир қатор кулайликлар яратиб берди.

— Мазкур дастур ўзбек ва рус тилларида бир хилда иш юритиш имконини беради, — дейди Андижон шаҳридаги «EL KABEL EXPRESS» шўъба корхонаси ҳисобчиси Рустамжон Кўчқаров. — Барча турдаги ҳисобот ва ҳужжатларнинг йўналишига кўра электрон архивини шакллантириш; ҳисобчилар томонидан таш-

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Юқори Чирчиқ туманидаги «Нурмат ота» фермер хўжалиғи раҳбари, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши аъзоси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Зайниддин Нурматов отаси АРТИҚБОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Хушхабар

Дилбар, Нодирбек, Жаҳонгир

Осиё биринчилиги совриндори

Филиппинда шохмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида Осиё биринчилиги бўлди. Унда юртимизнинг 14 нафар ёш истеъдодли шохматчилари катнашди.

Ўғил болалар баҳсида Нодирбек Абдусатторов, қизлар ўртасида Дилбар Ҳамроева Осиё биринчилигининг бронза медал

ли билан тақдирланди. Улар 9 имкониятдан 7 тадан очко тўплашди. Иккала ёш шохматчи ҳам Тошкент шаҳрида қамолга етаяпти. 18 ёшгача бўлган ўспиринлар мусобақасида самарқандлик Жаҳонгир Воҳидов 9 имкониятдан 6,5 очко жамғарган ҳолда биринчиликнинг бронза медалини қўлга киритди.

ОФК кубоги

«Насаф» — чорак финалда!

Бу йилги мавсумда Қаршининг «Насаф» жамоаси ўз мухлисларини хурсанд қилишда давом этмоқда. Аввалига ОФК кубогининг «А» гуруҳида муваффақиятли тўп суриб, нимчорак финалга йўлланма олган қаршиликлар дастлабки муваффақиятлар тасодиф эмаслигини исботлашди.



ОФК регламентига кўра, Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларининг 1/8 финал босқичида кучлилар номи бир учрашувда аниқланади. Унда гуруҳ босқичида биринчи ўринни эгаллаган жамоа ўз майдонида тўп сурса, иккинчи жамоа эса сафарда ўз омадини синаб кўради. Эътиборли томони, «Насаф» футболчилари Ўзбекистон клублари орасида биринчи бўлиб, ана шундай имкониятни қўлга киритишди.

Шу боис Қаршида кечган баҳс ҳам қўтилганидан мурасасиз ва кескин кечди. Унда «Насаф» футболчилари илк маротаба ОФК кубоги баҳсларининг чорак финалига йўлланма қўлга киритди. Дастлаб учрашувнинг 29-дақиқасида Лутфулла Тўраев «Ал-Файсалий» дарвозабонини доғда қолдирган бўлса, 58-дақиқада Илхом Шомуродов ўз жамоасининг иккинчи голига муаллифлик қилди. Уйин тугашига ўн дақиқа қолганида меҳмонлар жавоб тўпини киритишди — 2:1.

Кеча ОФК кубогининг нимчорак финал учрашувларига яқин ясалди. Унда Қашқадарё вилоятининг яна бир жамоаси Гузорнинг «Шўртан» вакиллари Иорданияда «Ал — Вихдат» футболчилари меҳмони бўлди.

Энди 7 июнь куни Куала — Лумпурда Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги чорак финал босқичи баҳсларига қўрға ташланади.

Эркин ХОЛБОБО

Чемпионлар лигаси

«Сепакхон» — «Бунёкор» — 3:1

Тошкентнинг «Бунёкор жамоаси Эроннинг Исфаҳон шаҳрида маҳаллий «Сепакхон» клубига қарши нимчорак финал ўйинини ўтказди.

Бу босқичда жамоалар битта ўйинда голибни аниқлагани учун учрашувлар мурасасиз ўтади. Айниқса, мезбонлар ўз майдонида, мухлислари қаршида устунликка эришишга ҳаракат қилишади. «Сепакхон» — «Бунёкор» ўйинида ҳам шундай бўлди. Эронликлар биринчи бўлимнинг ўзидаёқ ҳисобда иккита тўп устунлигига эришишди.

Иккинчи бўлим бошида япониялик бош ҳакам Тома Масаки мезбонлар ўйинини майдондан четлатди. Натижада, рўйи устунлик меҳмонлар тарафида ўтди. Бунёкорчилар қарши ҳужумлардан бирида ҳисобни қисқартиришди. Ҳамюртларимиз майдондаги устунликни ўз қўлига олганда яна химоячиларимиз хатоси панд берди. Мезбонлар пенальтидан ҳисобни йириклаштиришди — 3:1. Бу ҳисоб учрашув охиригача ўзгармади ва «Бунёкор» Осиё чемпионлар лигасидаги ўйинини нимчорак финалда тўптатди.



«Истиқлол умидлари»

Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Истиқлол умидлари» иккинчи ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ёшларнинг ижод намуналари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Муҳиддин ТҲИЧИЕВ, Тошкент курилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи талабаси:

— Кўргазмада ўзим тайёрлаган уй-рўзгор буюмлари билан иштирок этдим. Тенгдошларим уларни ҳавас билан томоша қилишди. Мен хунарим орқасидан ота-онамга ёрдам бераётганимни, ўз эҳтиёжларимни ўзим қоллаётганимни уларга гапириб бердим.

Жаҳонгир РАСУЛОВ, Тошкент шаҳар 8-сон бокс мактаби ўқувчиси:

— Спорт билан шуғуллан-

ган бола ҳеч қачон ёмон одатларни ўрганмайди. Бировни кутқусига учмайди. Ёлғон гапирмайди. Фақат галаба қилишга интилади. Жамоадодиларини ҳам шунга ундайди. Мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

Соғлом, кучли бўламан, халқаро майдонларда Ўзбекистонимиз шухратини ошираман деган болаларга, тенгдошларимга спорт билан шуғулланиши маслаҳат бераман.

Нилуфар ЮЛДАШОВА, **М. Турсунхўжаева номида-**

ги тиббиёт коллежи талабаси:

— Биз ёшларга Президентимиз томонидан жуда катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами муносабати билан ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутди. Уларда келажакка ишонч уйғотилади.

Миразиз АҲАДОВ, Чилнозор туманидаги 217-мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

— Фестивалда ташкил қилинган қизиқарли кўнгилочар дастурлар, спорт мусобақалари менда яхши таассурот қолдирди. Кўргазмада меннинг ёшларимиздаги ўқувчиларнинг иш намуналарини кўриб, тўғриси, уларга ҳавасим келди. Ёғоч ўймакорлигига қизиқиб қолдим. Ушбу хунарни яхши ағаллаб олган тенгқурларим билан яқиндан танишдим, керакли

маслаҳатлар олдим. Улардан бу касбни пухта эгаллашим учун ўз ёрдамларини аямасликларини эшитиб қувониб кетдим. Фестивалда уч мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Шу кунги истироҳат боғи улар ихтиёрига топширилиб, кўнгилчи ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Тадбирни ташкил этишда Тошкент шаҳар ҳокимлигига бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари яқиндан кўмаклашди. Бундай тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиши ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш, уларнинг маънавий-маърифий билимларини оширишга хизмат қилади, эртанги кун эгалларини яратувчанлик, бунёдкорлик ишларига илҳомлантириди.

Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғлом турмуш тарзи

Ҳар куни 10 тадан чекилган сигарета

умримизни 2,5 йилга, 20 таси 5 — 6 йилга, 40 таси эса 7 — 10 йилга қисқартиради

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотга кўра, ҳозир ер юзиде эркақларнинг 60, аёлларнинг 20 фоизга яқини чекади. Бошқача айтганда, бутун дунёда сигарета чекувчилар сони 1 миллиард 100 миллиондан ошган. Ҳар йили тамаки чекиш оқибатида келиб чиқаётган касалликлар туфайли 3 миллион киши нобуд бўлади.

Ҳўш, одамлар нима учун чекади? Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу дастлаб болаларнинг ота-она ва бошқаларга тақдир қилишидан бошланади. Тамаки чекилмайдиغان оилаларда болаларнинг 25 фоизи, чекувчи оилаларда эса чекадиган болалар сони 50 фоиздан ортиқ эканлиги кузатилади. Бу зарарли одатнинг тарқалишига болаларнинг чекадиган дўстларига ёки кино қаҳрамонларига эргашишлари ҳам таъсир этади.

Кашнаёллик шундай иллатки, унга ўрганган одам тўтун тутқунига айлиниб қолади. Масалан, кинотеатр залидан чиқиб келаётган кашандаларнинг шошиб-

пишиб чека бошлашига бир қаранг. Улар сигаретасиз бир соат ҳам тоқат қила олмайдди. Эрталаб уйқудан турганидан кейин, овқатланиш олдидаги ёки овқатланиб бўлганидан кейин, зўр бериб ақлий меҳнат қилаётган пайтда, жисмоний ишдан сўнг, оқшом чоғи — уйқуга ётиш олдидадан чекиш улар учун одатий ҳол бўлиб қолган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, чекилаётган тамаки миқдоридеги никотиннинг 20 — 25 фоизи инсон организмига тўтун орқали сўрилиб, 50 фоизи эса ташқи муҳитни ифлослантиради экан.

Маълумки, тамаки тутуни таркибида 73 фоиз азот, 10 фоиз ксилород, 9,5 фоиз углерод оксиди ҳамда аммиак, никотин, таъсирловчи ва рақ кўзгатувчи консерген моддалар мавжудлиги учун ҳам тамаки инфаркт хавфини 3 марта, ўпка саратони хавфини икки маротаба оширар экан. Америкалик тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар куни 10 тадан чекилган сигарета инсон умрини 2,5 йилга, 20 таси 5 — 6 йилга, 40 та сигарета эса 7 — 10 йилга қисқартиради.

Демак, сигарета чекишнинг бу хатарли оқибатларини ёшларга кўпроқ тушунтиришимиз, уларни захри қотилдан сақлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Зеро, бутунги соғлом авлод бизнинг буюк эртамиз ва келажакимиздир.



Нурбек ТОЖИБОВЕВ, Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги бўш (вакант) кафедра мудирлиги, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимларига битим асосида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, география кафедралари мудирлиги лавозимларига;

Инглиз тили ва адабиёти, амалий математика ва информатика, математик анализ ва алгебра, иссиқлик физикаси ва энергетикаси, ўзбек тили адабиёти ва услубияти кафедралари доцентлари лавозимларига;

Рус тили ва адабиёти, психология, касбий таълим, иссиқлик физикаси ва энергетикаси, амалий математика ва информатика, математик анализ ва алгебра, география, кимё, физика ва уни ўқитиш методикаси, тиббиёт асослари кафедралари катта ўқитувчилари лавозимларига;

Рус тили ва адабиёти, немис тили, француз тили, бошланғич таълим, психология, касбий таълим, амалий математика ва информатика кафедралари ўқитувчиси (ассистент) лавозимларига.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:


1. Ректор номига ариза,
2. Шахсий варақа,
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги дипломлар нусхалари,
4. Илмий ишлар рўйхати,
5. Малака оширганлиги тўғрисида гувоҳнома.

Эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб ҳужжатлар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 730003. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Телефон: (8-375) 225-34-13, факс: 225-57-01, e-mail: kardu@mail.ru

Китоб жавонингизга

Дунёдаги глобал иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳит билан боғлиқ турли экологик муаммолар ер юзиде ҳар хил хавфли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бел умуртқалари остеохондрози, яъни халқ тили билан айтганда «бел умуртқаларига туз чўкиши» ана шундай хасталиклардан бири.



Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, 1990 йилда 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган инсонларнинг ҳар бештасидан иккитаси турли даражадаги остеохондроз касаллигига чалинган. 2002 йилда эса бу кўрсаткич яна бир кишига кўпайган. Ачинарлики, охириги 20 йил ичида ёш болалар ва ўсмирларда ювенил остеохондроз касаллиги учрай бошлади.

Бу касаллик юз йилдан кўпроқ давр мобайнида тадқиқ этилаётганига қарамай уни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳанузгача аниқланмаган, фақат касаллик ривожланиш механизмининг айрим жиҳатлари очиқ берилган. Олий тоифали асаб жарроҳи Раҳматулло Бектошов ҳамда олий тоифали ревмотолог, тиббиёт фанлари номзоди Ҳамза Ҳароевнинг «Бел умуртқалари остеохондрози хасталигининг давоси ва унинг олдини олиш» китобида одамларнинг бу дардга йўлиқишига асосий сабаб бугунги кундаги атроф-муҳит экологиясига путур етказувчи омилларнинг кўпайиб кетиши ва турмуш тарзини тўғри ташкил қила олмаслик эканлиги илк бор илмий жиҳатдан асосланди.

Муаллифлар илмий-амалий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда касалликнинг аломатлари, организмда қандай кетиши ва салбий асоратлари ҳақида батафсил фикр юритади. Уни даволаш, олдини олиш ҳамда қўшимча текширишнинг қулай ва энг замонавий усулларини тақлиф этади.

Ушбу китоб юртимиздаги тиббиётга ихтисослашган барча олий ва ўрта махсус таълим масканлари талабалари, соҳа ходимлари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Сайёра ЗИЁТОВА

	ОБ-ҲАВО		26-27.05. 2011	
	БҮГҮН	ЭРТАГА		
Тошкент	30°C	32°C		
Самарқанд	28°C	33°C		
Нукус	28°C	33°C		
Қарши	32°C	37°C		
Урганч	28°C	33°C		
Навоий	30°C	35°C		
Фарғона	28°C	33°C		
Бухоро	30°C	35°C		
Анджон	28°C	33°C		
Наманган	28°C	33°C		
Термиз	32°C	37°C		
Жиззах	28°C	33°C		
Гулистон	28°C	33°C		
Тошкент вил.	28°C	33°C		
Лондон	9°C	11°C		
Париж	10°C	15°C		
Москва	17°C	19°C		
Мадрид	29°C	23°C		
Пекин	26°C	29°C		
Гонгконг	27°C	31°C		
Рим	23°C	23°C		
Анқара	25°C	26°C		
Токио	22°C	19°C		
Стокгольм	16°C	18°C		
Кейптаун	17°C	20°C		
Қоҳира	14°C	12°C		
Гавана	31°C	24°C		
Вашингтон	21°C	22°C		

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАНРИР НАҲ'АТИ:

- | | | |
|----------------------|-----------------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Muhammadin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Tat'yana KISTANOVA | Ochilboy RAMATOV |
| Bobir ALIMOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | G'affor HOTAMOV | |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | |

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Ko'zga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 549 18528 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 O'za yakuni — 20.35 Topshirilgan vaqti — 22.35 Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Temur XUDOVBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

